



Яна ўз сўзимизга кайтайлик. Кошгар сафаридан келганим сўнгида мархум отамиз Шокирхонтўра хожи васиятларича ёзда дехкончилик килиб, кишда дун-ганлар аро илмий хизматда умр ўткиздим. Хар окил одам ўз замонасига яхши тушуниши керак, шунга караб иш килиши керак, (Бухорий, 13/6095-6096 даги хадисдан мулхам ифодадир.) деган Пайгамбаримиз Муҳаммад алайхиссаломнинг хикматлик сўзларидан илхомлангач, замонамизда янгидан чика бошлаган коммунизм асосларини чуқур текшириб, ҳаммадан илгарирок унга яхши тушундим. Бу маслак бутун дунё бўйича борлик динларга, айникса, Ислом динига ўт билан сув тун билан кун каби карама-қарши эканлигини аниқ билдим. Шундай бўлса ҳам чин сўзлаб, тўғри тушунишга ўрганганим учун бошлангич даврнинг алдов сиёсатларини чин чоғлаб, унга ишонмиш эдим. Шундоқки, тахминан 1922 йили В.Ульянов (Ленин) тилидан тубандагича ёзилмиш эдиким, “Агар Ўрта Осиё мусулмонлари “ўз турмушимиз учун Куръон ҳукми етарлиқдур, Куръон раҳбарлиги остида яшовни истаймиз” десалар, биз буни албатта қабул қилишимиз керак”. (Ленин ва Сталин билан эълон қилинган “Россия ва Шарқ мусулмонларига чакирик ва ш. ў.лар назарда тутилмоқда.”) Мусулмонларга ёқимли мундайин яхши сўз Ленин тилидан айтилиб, газета устига ёзилганлигидан таъсирланиб, булар ҳақида ўйлаган фикрларим бир оз ўзгара бошлади. Шунинг учун бошқага қарамай халқ талаби билан Тўқмоқ катта масжидига имом-хатиб бўлиб сайлангач, жума сайин жомеъ масжидда энг ози минглаган халқ ичида ваъз мажлиси очиб, динсизликка қарши кураш бошладим. Юқориги Ленин сўзидан фойдаланмоқчи бўлиб бошлаган бу ҳаракатим уч-тўрт йил узлуксиз давом этмиш эди. Бу ишдан кўзлаган мақсадим эса, Иброҳим Халилуллохни қуйдириш учун ёндирилган Нимруднинг улуг оловини ўчирмоқчи бўлиб тумшугида сув ташиган қалдирғоч каби илохий қонун деб ўзим ишонган Ислом динига қўнғлимдаги садокатимни билдириш эди.

Шунга кўра, “Кўнгилдан чиккан сўз юракка етар” дегандай, менинг бу диний ваъзларим халк кўнглига тўлик таъсир килаётганлиги кўрилгач, темир кўллик сиёсий идоралар мени ўзларининг ўнгалмас душмани хисобладилар. Мана шу кундан бошлаб, айтган сўзларим борган сари текшириш остига олинди. Охири йигирма иккинчи йили уч харфлик ГПУ Пишпак (Фрунзе) шахрининг ер ости камокхонасида ётдим. Бу каби дахшатлик ишни биринчи кўриб, шундайин вахшатлик ўринга дастлаб кирганлигимдан, кўп ётмаган бўлсам ҳам, бу зулм зарбасидан кўнглимнинг ички-ташки хиссиёти яхшигина яраланмиш эди. Юкориги Ленин томонидан айтилиб, газетустида ёзилган сўзлар бари ёлгон бўлиб, алдов тузоги эканлиги кейин билинди.

Илгари ўтган пайгамбарлардан Юсуф алайхиссалом фиръавн вазирининг аёли Зулайхо бошлик Миср хотин-ларининг фитналари билан бир ривоятда - етти йил, иккинчи ривоятда - ўн икки йил зиндонда колмиш эдилар. Сўнгра Миср подшоси - фиръавн кўрган тушининг таъбирини ҳеч ким чиқара олмай турганида, ани Юсуф алайхиссалом йўриб, етти йил тўкчилик, етти йил очарчилик бўлишидан хабар бериб, агар вазирлик хизмати ўзига топширилар экан, яхши чоралар кўриб, халкни бу балодан саклай олишини билдирибдир. Шу бахона билан зиндондан кутулиб чиқар чогида эшиги устига шу уч огиз хикматли сўзни колдирмиш эди: “Бу жой тирикларнинг кабрларидир, душманларни суюнтирур, дўстлар синалгусидир”.

Хазрат Умар розияллоху анху имконият борица мусулмонларни камок килмасга буюрмиш эди. Шунинг учун Ислом шариатида бу жазонинг уч йилдан ортик бўлишига кўп йўл кўйилмайди. Чунки бу муддатдан узайиб кетар экан, мундан инсонлар ҳар томонлама зарарланишлари, айникса, оилавий турмушлари вайронликка учраб ҳароб бўлиши шубҳасиздир. Агар бир киши “Мен бу дунёда турмайман” деб касам ичган бўлса ва зиндонга кириб турар экан, шариат бўйича анинг касами бузилмайди. Бу эса зиндон ичи шариат олдида дунё еридан эмаслигини кўрсатади. Ислом қонуни ҳукмида бутун дунё давлати ноҳақ тўкилган бир кишининг қонига арзимамайди. Ҳозирги динсизлар маданияти олдида эса киши ўлими эшак ўлимича ҳам кадри колмаганлигини кўриб турамиз. Уларча сиёсий жиноят хисобланган бир огиз сўзни амалга ошириш буён турсин, огзидан чиқар-чикмас жавобга тортилиб, жаллодлар кўлида йўкотилган кишилар хисобсиздирлар.

Шундай қилиб, мени камашдан буларнинг максадлари эса кўрkitиб, бошқалар каби мажбурий хизмат, яъни айгокчиликни топшириш эди. Чунки у даврларда халк кўзига кўринарлик, обрўйлик кишиларга нисбатан шундай сиёсат қўлланиб, икки ёклама фойдаланмоқчи бўлдилар: Бирови - ўз деганларини қилдириш; қилмаган тақдирда улар учун белгиланган огир жазоларни дарҳол амалга ошириш эди. Шундай бўлса ҳам, меҳрибон Тангри ёрдами билан бир ой тўлмай туриб турмадан бўшаниб чиқишим билан улар ўйлаганларидек, ўз ишимни юмшатиб, орқага чекиниш ўрнида яна ҳам каттиқрок қиришдим. Мунга кўра дунёни босаётган бало селига тўкнашиб, ўттизинчи йилларгача динсизликка қарши ҳар вақт ташвиқот юргизиш келдим. Таҷрибасизлик натижаси бўлса керак, ўз кўнглимда ҳеч бир мусулмон дунёлик шахсий фойдаси учун охиратини бузиб, ўз динига хиёнат қилмайди, деб ўйлар эканман. Кейин, маълум бўлдики, бундай одамлар миллат ичида қўл билан саналгудек топилишига ҳам ишонмай қолдим. Ҳозирги маданият оламида эса ҳар миллатнинг ўз ҳуқуқини саклаш шарафи унинг қурол қучигагина боғланмишдир. Шу каби тўлик мудрофаа қучига эга бўлмаган миллатлар инсоний ҳуқуқларидан бутунлай ажраб, ҳайвонлар қаторида ҳорлик билан яшамокка мажбурдирлар. Айникса, динсизлик оламининг маркази хисобланган бир мамлакатга

чегарадош хар миллат ўз ҳукукига эга бўлиш учун моддий ва маънавий куч-қувватини, яъни замонавий илмни қўлга келтиришдан бошқа чораси йўқдир.

Энди бу ўринда шу кунги Ёвропо маданияти устида тўхталиб, ватан болаларига бу ҳақда энг муҳим тушунчалар бериб ўтамыз. Шунини билишлари керакки, маданият демак нимадан иборат бўлиб, қандай бўлиши керак. Мана бу сўзнинг ҳақиқати билан жавобига ким тушунар экан, асл, тузук маданиятни зиёndoш, бузук маданиятдан ажрата олади. Агар маданият деб қўринишда ободон, ҳақиқатда ҳароб шу динсизлар, одоб-ахлоқсизлар маданиятини айтадиган бўлсак, улуг хато қилган бўламиз. Чунки дунёдаги борлиқ нарсалар инсон турмушига ёрдам етқизиш учун яратилмишдир. Бузук маданиятда эса, аксинча, инсонлар ул нарсалар учун қурбон қилинади. Маданият тараккиётининг илғари-кейин чиқараётган бутун янгиликлари инсон ҳаётини яхшилаш учун хизмат қилиши лозимдир. Дунёда яратилмиш нарсалар ичида энг шарафлиқ улуги инсон эканлигини телбалардан бошқа ҳамма кишилар, албатта, тушунадилар. Шунинг учун инсон ҳуқуқларини энг юқори даражада сақлаш ҳақиқий маданиятнинг айрилмас бир тармоғидир.

Маълумдирки, дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлиқ, қизганиб сақлайдиган беш нарсаси бордир: Биринчи - жони; кейингилари - дини, моли, оиласи, Она ватанидир. Мана бу беш нарсани сақлаш учун онглиқ инсонлар қандай жонбозлиқ қиладилар! Дунёнинг ҳар бир еридатўқилган ватўқил аётган инсон қонлари қўз олдимизда қўриниб туради. Бу фожиянинг бирдан-бир сабаби шу юқорида айтилган нарсадан бошқа эмасдир. Шундай бўлгач қараймиз: маданият қай ерда, қайси миллатда бўлсин, шу юқорида айтилган инсоният ҳақларини сақлаш учун ҳукумат қўлида адолат қуроли бўлиб турар экан, ана шу чоғдагина бутун маданиятга эришиб, тинчлик билан роҳат турмуш кечира оладилар. Бунинг натижасида инсоният хусусияти бўлган ҳар қимнинг эрк-ихтиёри ўз қўлида сақланади. Ер юзининг қайси ўлкасида бўлишни қим тилар экан, ҳеч қандай тўскинлик қўрмайди. Агар маданият шу юқорида айтилганича фойдалиқ бўлса, шарқ файласуфи Фиробийнинг айтишича бундай маданиятни “Маданияти исломия” ёки “Фозила” дейдилар. Мана шундагина бутун маданий тараккиётни ёлғиз инсон фойдаси учун ишлатиш мумкиндир. Йўқ эса, ҳозирги устимиздаги маданият қабии, буни қўлланувчилар хато қетганликларидан, ёлғиз жиноятчиларни эмас, балки бутун инсон оламини ҳалокатчуқурига тушириши шубҳасиздир. Чунки шу қонлардаги динсизлар маданиятлари таъсири остида инсонларнинг ахлоқи бутунлай бузилганликдан, моддий-маънавий бўлсин, ҳар ёклама зиён қўраётганлари қўз олдимизда туради. Булар эса ўз маслакларини бошқаларга қабул қилдириш учун ҳалқнинг тузалиш-бузилишлари, уларнинг ҳар қандай зиён-заҳматга учрашлари билан хи-соблашмайдилар. Балки буткул қурол қучи ишлатиб, ҳар қандай мажбурият бўлса ҳам ҳалқни ўз йўлларига қирғиза олсалару тилақларига етган бўладилар. Ҳалқнинг қирғилиш ва жўйилишлари(Йўқ бўлиб қетиш (қиг.туркча).) билан буларнинг ишлари йўқдир. Маданиятнинг илм-фазл, ҳунар-саноатларини инсонлар ҳолатини қичариш, улар фойдаси учун ишлатиш эмас, балки ўзларининг қўрларча ушлаб ёпишган бузук йўлларига қирғизиш қуроли қиладилар. Мана бундай маданиятга бузуклар бошлиғи - бир фирқа палидлар эга бўлиб олгач, улар қўлида бугун ҳалқ эрк-ихтиёридан ажраб, энг тубанги ҳайвонлар қаторида яшамокка мажбур бўладилар. Шундайин маданият оқиллар, файласуфлар олдида “Золлата, фосика маданият”, яъни “қўрлар, адашганлар маданияти” деб аталади. Бунинг оқик қўринган нусхаси шу қонлар устимизда ҳуқмрон бўлиб турган большевиклар қелтирган шармандалар маданиятидир. Чунки эллик йилдан бери мустабидлар оёғи остида

эзилаётган ўн беш ёлгон жумхурият халклари, айникса Ўзбекистон мусулмонлари миллий, диний, ватаний ҳуқуқларидан бутунлай ажрадилар. Ер яратилгандан бери ота-боболаридан қолган ҳалол меҳрослари - гулгулистон, бог-бўстонлик Она ватан-ларидан ҳайдаб чиқариб, кўз олдиларида қелгинди босқинчиларга бўлиб берилмақдир. Мана буларнинг қелтирган ифлос, босқинчилар маданиятидан биз Ўзбекистон мусулмонлари олган ҳосилотимиз ҳозирча шу даражага етди. Яна қелажақ қунлари устимиздан қандай қланлар қуриб, нима қоралар қўраётқанларини за-монга тушунган ватан ақллари яқши билсалар қерак. Энди юқоридан бошлаб шу жойга қелгунча ёзган сўзларимиз ҳозирги маданият - тараккиётдан инсонлар учун қандай фойдаланиш қерақлигини ажратиш учун ҳар қандай одамга тушунарлик бўлқандир деб ўйлаймиз.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон қайғуси" қитобидан